

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪЛИМ  
ХИЗМАТЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ



ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСАЕВ БЕКЗОД ТУРСУНБОЕВИЧ  
АРТИКОВ ДИЛМУРОД РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ**

**ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

**Тошкент – 2021**

**УҮК: 34(041)(575.1)**

**Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июнданги 5-сон қарори билан нашрға тавсия этилган.**

Б.Т. Мусаев, Д.Р. Артиков.  
Таълим хизматларидан фойдаланиш  
хуқуқингиз бор. Рисола.  
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 36 б.

**Тақризчилар:** А. Бабаджанов – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.;  
А. Йўлдошев – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти, юридик фанлар номзоди

Мазкур оммабоп рисола жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттириш, аҳолини қизиқтираётган, улар тўқнаш келаётган хукукий вазиятлардан бири бўлмиш фарзандларни таълим муассасаларига бериш тартибини содда ва равон тилда тушунтиришга багишланган. Ўқувчи ушбу рисола орқали юртимизда мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта мактаб ва олий таълим муассасаларига ўкишга қабул қилиш тартиби ҳақида батафсил маълумот олади.

Рисола кенг жамоатчилик фойдаланиши учун мўлжалланган.

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>5</b>
<b>1-бўлим. Фарзандингизни боғчага жойлаштироқчимисиз? .....</b>	<b>7</b>
1. Фарзандимни боғчага жойлаштириш учун қаерга мурожаат қилишим керак? .....	7
2. Болаларни боғчага жойлаштиришнинг электрон тизими қандай ишлайди? .....	9
3. Менда СТИР ҳам, тўлов тизимларига уланган пластик карта ҳам йўқ. Фарзандимни боғчага жойлаш учун қандай йўл тутишим керак? Барибир боғчага йўлланма олиш керак-ку!.....	12
4. Фарзандимни боғчага жойлаштириша имтиёз бор, деб эшидим. Кимлар ушбу имтиёзга эга?.....	13
5. Навбатим қачон келишини қандай билсам бўлади?.....	17
<b>2-бўлим. Фарзандингизни мактабга жойлаштироқчимисиз? .....</b>	<b>18</b>
1. Фарзандимни ўзим хоҳлаган мактабга жойлаштирсам бўладими? Мактабга жойлаштириш тартиби ҳакида маълумот берсангиз.....	18
2. Мактабларга қўшимча квота бўйича қабул қилиш тартиби қандай? .....	20
3. Мактабга фарзандимни расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар тақдим этишим зарур? .....	22
<b>3-бўлим. Фарзандингиз олий ўқув юртига кирмоқчими? .....</b>	<b>23</b>
1. Олий таълим муассаса (ОТМ)ларига абитуриент сифатида рўйхатдан ўтиш қачон ва қандай тартибда амалга оширилади?.....	23
2. Рўйхатдан ўтиш учун қандай ҳужжатлар керак? .....	23
3. Давлат тест марказининг расмий abitur.dtm.uz веб-сайти орқали қандай рўйхатдан ўтилади?.....	24
4. ОТМга ҳужжат топширганлик учун тўлов ундириладими?.....	28
5. Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномаларининг амал қилиш муддати чекланганми? .....	28
6. Бир вактнинг ўзида нечта ОТМга кириш учун имтиҳон топшириш мумкин? .....	29
7. ОТМга ўқишга кирган абитуриентлар қачондан контракт пулларини тўлашни бошлиши мумкин? .....	30

8. Имтиҳон натижаларига күра 35 балл түпладим. Ушбу ҳолатда оширилганд миқдорларда контракт тұлаб үқишига киришим мүмкінми?.....	32
9. Хотин-қызларға ОТМга кириш учун құшымча давлат грантига квота мавжудми?.....	33
<b>Фойдаланылған адабиёттар .....</b>	<b>35</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза-сида таъкидланганидек, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттиришимиз, хуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлишимиз, бу борадаги илк кўнилмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик килувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сакланиб қолмоқда.

Бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида хуқуқий тарбияни кенг йўлга кўйишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиши вақти келди. Ёшларимизга болаликдан “яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга доимо шахсий намуна бўлишимиз керак.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда мактаб ўқувчиларига кундалик ҳаётдаги турли муаммоли вазиятлардан чиқиши, кундалик юриш-туриш

қоидаларини ўргатиш орқали уларни реал ҳаётий вазиятларга тайёрлаш тажрибаси мавжуд.

Хусусан, АҚШ ва Фарбий Европа давлатларида жамиятда ўзини тутиш ва юриш-туриш қоидалари, жумладан, светофор ишораларига риоя қилиш, йўл белгиларига оғишмай амал қилиш, атроф-муҳитни озода сақлаш, умуман олганда, шахсни реал ҳаётий вазиятларда ўзини тутиш ва турли вазиятларда тўғри ҳуқуқий ечим топиш кўнкимлари нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги шахсларга ҳам турли инфографика воситалари ва “чўнтак” қўлланмалар тарзда етказилади.

Ушбу оммабоп рисола нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналарига фарзандларини таълим муассасаларига бериш тартибини содда ва равон шаклда тушунтиришга қаратилган бўлиб, ота-она учун энг муҳим инвестиция ҳисобланувчи фарзандини баркамол авлод қилиб тарбиялашдек вазифани ҳал қилишга хизмат қиласди, деган умиддамиз.

## **1-БЎЛИМ. ФАРЗАНДИНГИЗНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРМОҚЧИМИЗ?**

### **1. ФАРЗАНДИМНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИМ КЕРАК?**

**Фарзандингизни боғчага навбатга қўйишининг икки усули бор:**

**бириинчиси** – белгиланган шаклдаги анкетани тўлдирган ҳолда Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш;

**иккинчиси** – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ([my2.gov.uz](http://my2.gov.uz)) уй ёки ишхонадан туриб, бир зумда ҳужжатларни юбориш.

**Ҳар икки ҳолатда ҳам анкета топширувчига электрон рақамли имзо керак бўлади.**

Фарзандингизни боғчага навбатга қўйиш учун фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишингиз зарур.

Турли ҳужжатларни тўплаб, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари хузуридаги турли қабул комиссияларига бориб юрманг. Борганингиз билан ҳужжатларингизни қабул қилишмайди ҳам. Чунки энди уларда бундай ваколат йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартағи 244-қарори билан “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланган.

#### **Эътибор беринг!**

2018 йил 1 апрелдан бошлаб болаларни давлат боғчаларига расмийлаштириш, навбатга қўйиш фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Интерактив хизматлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиб олсангиз, ўзингизга яхши, келгусида **вақт йўқотишдан ва ортиқча харажатлардан қутуласиз.**

**Коррупция ва бирократик тўсикларга дуч келмайсиз.**



## ФАРЗАНДИНГИЗНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРМОҚЧИМИСИЗ?

Болаларни боғчага  
(давлат мактабгача  
таълим муассасасига)  
қабул қилиш ёши



3..4..5..6..  
7 ёш

Болани боғчага жойлаштириш ёки боғчада  
буш ўрин булмаган тақдирда наебатга кўйиш  
учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:



боланинг  
туғилганилиги  
хакидаги  
гувонномаси



боланинг ота-онаси  
ёки уларнинг ўрнини  
босувчи шахснинг  
паспорти

Болаларни боғчага жойлаштириш  
икки хил усулда амалга оширилади:



Давлат хизматлари марказларида  
фўқаролик паспорти билан  
мурожаат қилиш орқали



Электрон ракамли имзо ердамида  
Узбекистон Республикаси Ягона  
интерактив давлат хизматлари  
порталига ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) мурожаат  
қилиш орқали



Давлат хизмати бепул  
амалга оширилади.

Йўлланмалар биринчи наебатда кимларга берилади?

- ногирон шахсларнинг болалари
- уч нафар еки ундан кўп болалари сийаларнинг болалари
- ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органилари ходимларининг болалари;
- талабалар ва педагогларнинг болалари
- ётимлар ва ота-она қаромогидан маҳрум бўлган болалар
- бошқа муассасалардан ўтказилган болалар
- акалари ёки опалари ушбу муассасасининг  
тарбиялануучилари бўлган болалар



@Huquqiqiyahborot

**Унумтманг!**

**Боғча (давлат мактабгача таълим муассасаси)га 3 ёшдан  
7 ёшгacha бўлган болалар қабул қилинади.**

## **2. БОЛАЛАРНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?**

Барча туман мактабгача таълим муассасалари ва болалар боғчалари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланган. Порталда болаларни боғчага қабул қилиш бўйича жисмоний шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартиби жорий этилган.

**Ота-оналарда йўлланмаларни олиш учун анкета топширишда икки йўл бор:**

**биринчиси** – белгиланган шаклдаги анкетани тўлдирган ҳолда Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш;

**иккинчиси** – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ([my2.gov.uz](http://my2.gov.uz)) уйдан ёки ишхонадан туриб юбориш.

Ҳар икки ҳолатда ҳам анкета топширувчига **электрон рақамли имзо керак бўлади**. Чунки аризачи анкетани электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.



### **Эътибор беринг!**

*Электрон рақамли имзо мавжуд бўлмаса, бу хизмат кўрсатилмайди!*

Яъни электрон рақамли имзоси бўлмаган ота-оналар болаларини давлат боғчаларига жойлаштира олмайди. Улар шаҳарда яшайдиларми, қишлоқдами, фарқи йўқ: **албатта, электрон рақамли имзога эга бўлиши шарт!**

### **Электрон рақамли имзо олиш қийин эмас.**

Электрон рақамли имзо Давлат хизматлари марказлари томонидан аризачининг мурожаати асосида берилади. Бунинг учун сизга уч нарса керак – СТИР, пластик карта, мобил телефон. Энди бир бошдан:

1. Ҳар бир фуқарога солиқ органлари томонидан бериладиган **солиқ түловчи идентификацион рақами** (СТИР, русча ИИН);

2. Электрон рақамли имзо харид қилиш (17224 сүм) учун хужжат тұлдираётган ота ёки онанинг электрон түлов тизимларига уланган **пластик картасы**;

3. Электрон түлов тизимиға пластик картаны улаш учун **мобил телефони бұлиши** лозим.

**Электрон рақамли имзо** – давлат идоралари билан үзаро муносабатни үрнатында жисмоний шахсга электрон хатты-харакатларини тасдиқлаш учун зарур бўладиган имзо.

Содда тилда айтсак, бу – шахснинг рақамлардан иборат электрон имзоси ва у шахснинг қўлда чекилган имзосига тенглаштирилади.

### **Эътиборсиз бўлманг!**

**Электрон рақамли имзо қалити** – оддий нарса эмас. Бу сизнинг электрон имзоингиз! У бирор бузгунчининг қўлига тушиб қолса, сизнинг номингиздан кўплаб амалларни бажариши ва оқибатда сизга жиёдий зиён етказиши мумкин.

**Шунинг учун на электрон рақамли имзо қалити, на унинг паролини бегоналарга ишониб тонширманг ёки унутиб қолдирманг.**

**Куйидаги расмга қаранг.** Ушбу расмда электрон рақамли имзонинг хусусиятлари ва уни олиш тартиби тушунтирилган.

## Электрон имзо ҳақида 5 та факт

1. Электрон имзо (ЭИ) нима?



Нооб  
хисобланади



Нуска олинича  
химояланган



Хужжатни  
илюстриган  
шахсни тәсдиклайди



Энни  
калбакишилтириб  
бўймайди

3. Қулий ва текзор

Электрон имзо – бу ўз кўли билан  
чөвролган ижоннинг нуқумалларини электрон  
курунини. ЭИ орқали Сиз электрон  
хужжатларни измояшингиз ва уйдан  
ёки ирададан чиқмаган холда Интернет  
орқали давлат хизматларидан фойдале-  
нинингиз мумкин.



Қоғоз  
курманишидаги  
хужжатларни  
хижжат йўқ  
ва вакти  
хайсоний  
текашадир!

4. ЭИ ёрдамида Сиз [my.gov.uz](http://my.gov.uz) порталаидаги  
160 дан ортиқ интерактив хизматлардан  
фойдаланиши имконига эга бўласиз.

Масалан:



Фурӯзони мисиз  
сифаттаги тълиф  
этчили ва инсанзили  
нофакасини таъминлаш



Бола түрнгигандা  
нафаска тайинлаш



Бола парвариши  
бўйича нафаска тайинлаш



Боюнча тўловлари  
бўйича яносб-ялоблар



Фулароларни утишмасиган  
суругта байдиличан  
тўғрисида маълумот  
таждим этиш

5. ЭНИИ қаердан  
ва қандай  
олиш мумкин?



Арказ беракасини тұлдириш  
Арказ шаклноми ЯНДУДын  
<https://my.gov.uz/page/eform/insert.html>  
еги ДОСКИНИНГ сайтидан (<https://yophobol.soiq.uz/>)  
жабоб олиши мумкин



Энг кам иш қариянинг  
10% майдордорда туплаш



Тұран Адамат солик  
күнтасига арна, пластик,  
квитанция ва ЭИ капити жемде  
сертификатин ғана учун  
фотоша таңдам йтни людени



ЭИ сертификатини олиш  
учун 1 иш кунидан кўп  
булмаган вакт талаб этилади

ЭИ учун тўловни CLICK, MBANK, UPAY  
тўлов тизимлари орқали амалга ошириш  
мумкин



Электрон имзога эга бўлинг ва Интернет орқали  
интерактив давлат хизматларидан фойдаланинг



Мактабгача таълим муассасаси (болалар боғчаси)га  
болаларини беришни истаган кўпчилик оналарда солик  
тўловчи идентификацион рақами ҳам, электрон тўлов  
тизимларига уланган пластик карта ҳам бўлмаслиги мумкин.  
Чунки уларнинг орасида уй бекалари ва расман бирор ерда  
ишламайдиганлари оз эмас.

### **3. МЕНДА СТИР ҲАМ, ТҮЛОВ ТИЗИМЛАРИГА УЛАНГАН ПЛАСТИК КАРТА ҲАМ ЙУҚ, ФАРЗАНДИМНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШ УЧУН ҚАНДАЙ ЙҮЛ ТУТИШИМ КЕРАК? БАРИБИР БОҒЧАГА ЙҮЛЛАНМА ОЛИШ КЕРАК-КУ!**

Сиз ушбу давлат хизматидан осон фойдаланиш учун куйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини бажаринг.

#### ***Биринчи қадам.***

Демак, энди болаларини давлат боғчалариға жойлаштиришни истаган ота-оналар биринчи бўлиб туман солик идораларига бориши ва агар шу вақтгача олинмаган бўлса, ўзларига солик тўловчи идентификацион рақами (СТИР) олиши зарур. Юқорида айтилганидек, электрон рақамли имзони харид қилишда солик тўловчи идентификацион рақами керак бўлади.

#### ***Иккинчи қадам.***

Ўзингизнинг номингизга банк пластик картаси очтирасиз (агар мавжуд бўлмаса) ва уни электрон тўлов тизимларидан бирига улатасиз (буни банк ходимларидан илтимос қилсангиз, улаб беради). Аммо бунинг учун сизга мобил телефон рақами керак. Чунки фаоллаштириш коди сизнинг мобил телефонингизга келади.

#### ***Учинчи қадам.***

Флешка харид қиласиз (электрон рақамли имзо калитини саклаш учун) ва Давлат хизматлари марказига борасиз. Агар электрон рақамли имзони тўлов тизимлари орқали мустақил харид қилишни уддалай олсангиз, бунга сизнинг саноқли дақиқаларингиз кетади. Бунда вақтдан ҳам ютасиз.

Тўловни амалга оширгач, флешка билан ўзингиз яшаб турган туман (шахар) давлат хизматлари марказига борасиз ва электрон рақамли имзо калитини сизга кўчириб беришади. Бунда телефонингизга электрон рақамли имзо калитининг пароли ҳам келиб тушади.

Бу пароль сизга давлат хизматларидан электрон фойдаланганда, электрон ариза ва ҳужжатларни имзолаш учун керак бўлади.

*Агар электрон рақамли имзони мустақил равишда тўлов тизимлари орқали харид қилишни билмасангиз, давлат хизматлари марказида сизга кўмаклашишади.*

### **Тўртингичи қадам.**

Ниҳоят, электрон рақамли имзо калитига эга бўлганингиздан сўнг давлат хизматлари маркази ходими сиз тўлдириган анкета кўмагида йўлланмага буюртма беради ёки фарзандингизни навбатга қўяди.

**Болаларни боғчага қабул қилиш бўйича давлат хизматлари – БЕПУЛ.**

Агар Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my2.gov.uz](http://my2.gov.uz))дан фойдаланишни билсангиз, давлат хизматлари марказига боришга ҳожат ҳам қолмайди. Анкетани мустақил тўлдириб юборасиз. **Анкета шакли илова қилинади (1-илова).**

Атиги 5-10 дақиқада ўзингиз йўлланмага буюртма бера оласиз.

## **4. ФАРЗАНДИМНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРИШДА ИМТИЁЗ БОР, ДЕБ ЭШИТДИМ. КИМЛАР УШБУ ИМТИЁЗГА ЭГА?**

Мазкур имтиёзга қуидаги шахсларнинг фарзандлари эга:

- ✓ ногирон шахсларнинг болалари;
- ✓ уч нафар ёки ундан кўп болалари бўлган оиласларнинг болалари;
- ✓ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг болалари;
- ✓ талабалар ва педагогларнинг болалари, етим болалар ёки ота-она қаровисиз қолган болалар;
- ✓ бошқа муассасаларга ўтказилган болалар;

✓ акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар.



Аризачиларда устунлик ҳуқуқининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумот анкетада кўрсатилиши шарт.

## 1-ИЛОВА

### Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул килиш бўйича давлат хизматлари олиш учун анкета **СЎРОВНОМА**

<b>I. Аризачи ҳақида маълумот:</b>	
1. Болага нисбатан (ота, она, уларнинг ўрнини босувчи шахс)	
2. Ф И Ш	
3. Паспорт маълумотлари (рақами ва серияси)	
4. СТИР	
5. Манзили	
6. Телефон рақами	
7. Электрон почта манзили	
<b>II. Бола ҳақида маълумот:</b>	
a) биринчи:	
1. Ф И Ш	
2. Туғилган йили	
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси)	
6) иккинчи: (мавжуд бўлса)	
1. Ф И Ш	
2. Туғилган йили	
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси)	
b) учинчи: (мавжуд бўлса)	
1. Ф И Ш	
2. Туғилган йили	
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси)	
<b>III. Муассаса ҳақида маълумот:</b>	
a) биринчি:	
1. (Туман, шаҳар) мактабгача таълим бўлими:	
2. Муассаса рақами	
3. Расмий веб-сайт маълумотига кўра бўш ўринлар сони	
4. Умумий асосга кўра муассасага қабул килиш учун навбатга киритилган анкеталар сони	
5. Имтиёзли асосга кўра муассасага қабул килиш учун навбатга киритилган анкеталар сони	
6. Мурожаат мақсади	йулланма олиш навбатга туриш
6) иккинчи: (зарур бўлса)	
1. (Туман, шаҳар) мактабгача таълим бўлими	
2. Муассаса рақами	
3. Расмий веб-сайт маълумотига кўра бўш ўринлар сони	

4. Умумий асосга күра муассасага қабул қилиш учун навбаттаға киритилгандар анкеталар сони	
5. Имтиёзли асосга күра муассасага қабул қилиш учун навбаттаға киритилгандар анкеталар сони	
6. Мурожаат мақсади	йұлланма олиш навбаттаға туриш
<b>IV. Имтиёзли хуқуқ борлиги ҳақида маълумот*</b> (зарур бўлса)	
1. Ногиронлиги бўлган шахснинг фарзанди (гувохнома серияси ва рақами)	
2. Уч ва ундан зиёд боласи бор оила фарзанди (туғилганлик ҳақида гувохномалар серияси ва рақамлари)	
3. Ҳарбий хизматчи ёки хуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимининг фарзанди (гувохнома серияси ва рақами)	
4. Талаба ёки педагог фарзанди (муассаса номи, директор (ректор) буйруғи рақами)	
5. Етим ёки ота-она қаровидан маҳрум бола (вафоти ҳақида гувохнома ёки бошқа ҳужжат серияси ва рақами)	
6. Бошқа муассасадан кўчирилган бола (муассаса номи, қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами)	
7. Ака-укалари ёки опа-сингиллари ушбу муассасада тарбияланётган бола (қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами)	

## **5. НАВБАТИМ ҚАЧОН КЕЛИШИНИ ҚАНДАЙ БИЛСАМ БҮЛАДИ?**

**Барча боғчалар ҳар ойда бўш ўринлари тўғрисидаги маълумотни туман халқ таълими бўлимига юборади.**

Туман бўлимлари бўш ўринларнинг электрон хисобини юритиб, болаларни қабул қилиш бўйича электрон навбатни шакллантиради ва йўлланма беради. Улар асосида боғчалар болаларни қабул қиласиди.

Бундан ташқари, туман халқ таълими бўлимлари ўз расмий сайтларида қуидаги маълумотларни доимий бериб боради:

- ✓ муассасадаги ўринлар сони ва бўш ўринларнинг мавжудлиги;
  - ✓ анкеталарнинг умумий рўйхати;
  - ✓ анкеталарнинг имтиёзли рўйхати.

Анкеталар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали расмийлаштирилгандан кейин тегишли туман халқ таълими бўлимига дархол юборилади.

Шундан кейин 1 иш куни мобайнида аризачиларга йүлланма берилади ёки навбатга киритилиши расмийлаштирилади.

## **Расмға қаранг:**

## **2-БЎЛИМ. ФАРЗАНДИНГИЗНИ МАКТАБГА ЖОЙЛАШТИРМОҚЧИМИСИЗ?**

### **1. ФАРЗАНДИМНИ ЎЗИМ ХОХЛАГАН МАКТАБГА ЖОЙЛАШТИРСАМ БЎЛАДИМИ? МАКТАБГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.**

2019-2020 ўкув йилидан бошлаб болаларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат мактабларига қабул қилишнинг босқичма-босқич тартиби жорий этилди.

#### **Унутманг!**

Ушбу тартиб ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ва мактаб-интернатлар, олимпия захиралари мактаб-интернатларига татбиқ этилмайди.

**Мактабларга қабул қилиш даври ҳар йили 15 июндан бошланиб 31 августгача давом этади.**

Болаларни давлат мактабларига Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш квотаси

**АСОСИЙ ва ҚУШИМЧА**  
турларга ажратилади.

**АСОСИЙ КВОТА  
БҮЙИЧА ҚАБУЛ**  
**Ҳар йили 15 июндан  
31 августгача**

**ҚУШИМЧА КВОТА  
БҮЙИЧА ҚАБУЛ**  
**Ҳар йили 15 июндан  
31августгача**



## **Асосий квота болалар сонини инобатга олган ҳолда шакллантирилади. Уларга қуидагилар киради:**

- ✓ ота-онаси муайян мактабга бириктирилган микрохудудда доимий истиқомат қилаётган болалар;
- ✓ отаси ёки онаси І гурух ногирони бўлган болалар;
- ✓ етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар.

### **АСОСИЙ КВОТА БЎЙИЧА ҚАБУЛ**



Микрохудуд бўйича тегишли йилнинг 31 декабрига қадар 7 ёшга тўладиган болалар қабул қилинади.

Ариза берувчи йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қиласди ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан утади. Асосий квота бўйича қабул учун **ИИФИМ УНДИРИЛМАЙДИ**.



Йўлланма олиш учун сўровнома тўлдирилади. Сўровнома ариза берувчиларнинг тегишли худудда яшашини текшириш учун **Манзил-маълумот бюороларига юборилади**.



Ариза берувчи йўлланма олиш учун ДХМга мурожаат қилиши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиши ва белгиланган шаклдаги сўровномани тўлдириши шарт.

Шундан кейин ДХМ ходими ариза берувчи киритилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун уни қофозга чиқаради, сўнг электрон версияси ЭРИ билан тасдиқланади.

Ариза берувчига ЭРИ билан тасдиқлаш имкони бўлмаса, унинг имзоси идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва б.) билан тасдиқланиши мумкин.

**Эътибор беринг!**


Боланинг қариндошлари ҳам ота-онасининг нотариал тасдиқланган ишончномаси асосида мактабга йўлланма олиши мумкин.

Сўровнома тўлдирилгач, 1 соат мобайнида манзил-маълумот бюросига юборилади. У 1 иш куни мобайнида ариза берувчининг микроҳудудда доимий рўйхатда тургани ёки турмагани ҳақидаги маълумотни ДХМга тақдим этади.

Сўнг ДХМ 1 иш куни мобайнида QR-код (матрик штрихли код) кўйилган йўлланмани расмийлаштиради.

Ариза берувчи биринчирилган микроҳудудда **доимий рўйхатда турмаса**, ДХМ асослантирилган **рад жавобини расмийлаштиради**.

**Ушбу жараённи қўйидаги расмда кўринг!**



**Бу мұхим!**

Асосий квота доирасида йўлланма расмийлаштирилгани учун *йтисим ундирилмайди*.

## **2. МАКТАБЛАРГА ҚЎШИМЧА КВОТА БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

Болалар учун мактаб имкониятидан келиб чиқиб қўшимча квота ажратилиади:

- ✓ тегишли микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги;
- ✓ яшаш жойидан қатъи назар, мактаб ёшига етмаган (1 сентябрга қадар 6 ёшга тўладиган);
- ✓ мактабда таълим бериш тили бўйича бошланғич билим кўникмасига эга бўлмаган.

## ҚУЙИДАГИЛАР МАКТАБЛАРГА ҚҰШИМЧА КВОТА АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:



микрохудуддан ташқарыда яшәтган мактаб ёшидаги болалар;



микрохудуд ва ундан ташқаридаги мактаб ёшига етмаган, яғни тегишли йилнинг 1 январидан 31 аугустига қадар 7 ёшта тұлмаидігін болалар.



мактабларда таълим бериш ти哩 бўйича бошлангич билимга эга бўлмаган болалар.



### Буни унутманг!

Құшимча квота бўйича қабул учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда йигим ундирилади.

Бунда мактаблардаги Кузатув кенгашлари ушбу йигимнинг оширилган миқдорини ҳам белгилаши мумкин.

Ариза берувчилар ихтиёрий розилик асосида тўлов қилганидан сўнг квитанция билан йўлланма олиш учун **Давлат хизматлари** марказига мурожаат қиласи.



Йўлланма мурожаат қилинган куннинг ўзида расмийлаштирилади.

### 3. МАКТАБГА ФАРЗАНДИМНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШИМ КЕРАК?

Ариза берувчилар йўлланма олганларидан сўнг  
3 ИШ КУНИДА мактабга қуидаги ҳужжатларни топширади:



боланинг тиббий  
маълумотномаси;

3,5x4,5 см  
4 дона  
фотосурат;

ариза берувчининг  
паспорт нусхаси;

боланинг туғилганлик  
ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси



*Ортиқча ҳужжатлар сўраш ёки қўшимча  
маблағлар талаб қилиши қонун билан  
ТАҚИҚЛАНГАН!*

*Уибӯ ҳолатларда коррупция ҳолатлари  
ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга  
мурожсаат қилинг!*

## **3-БҮЛІМ. ФАРЗАНДИНГІЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРМОҚЧИМИ?**

### **1. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСА (ОТМ)ЛАРИГА АБИТУРИЕНТ СИФАТИДА РҮЙХАТДАН ЎТИШ ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?**

2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига абитуриент сифатида онлайн рўйхатдан ўтиш **2020 йилнинг 20 июнидан 20 июляга қадар** (шу куни ҳам):

**Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ([www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz));**

**Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали ([www.dtm.uz](http://www.dtm.uz)) амалга оширилди.**



Azattyq Vazirlig'i  
Davlat Xizmatlari  
Aqchitligi


## **2. РЎЙХАТДАН ЎТИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК?**

Рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

- ✓ фуқаролик паспорти;
- ✓ умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасасини тугатгани ҳақидаги ҳужжат;
- ✓ имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

### 3. ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИННИГ РАСМИЙ ABITUR.DTM.UZ ВЕБ-САЙТИ ОРҚАЛИ ҚАНДАЙ РЎЙХАТДАН ЎТИЛАДИ?

Абитуриентлар abitur.dtm.uz сайти орқали рўхатдан ўтади. Тизимга кириш учун телефон рақам ва махфий калит сўзни киритиш керак.



Телефон рақам етти рақамли форматда киритилади ва саккизта белгидан кам бўлмаган калит сўз киритилиб, “Кириш” тугмаси босилади. Шундан сўнг киритилган телефон рақамига махсус СМС-код келади ва у беш дақиқа ичида киритилиб, тасдиқланиши керак.



04:53

Ro'yxatdan o'tish uchun +998305  
telefoniga SMS haber yuborish. Ushbu  
roqatsiz hifzing!

IT

Kirish

Davlat test manzili 2020



**DTM**  
Davlat Test Manzili

Тизимга киргандан сўнг паспорт маълумотларини тўлдириш сўралади.



Tizim test rejimida

- Bosh sahifa
- Qabul 2020
- Shaxsiy ma'lumotlar
- Savol-javob
- Yordam

977820305 ✓

Passport

UZBEKISTON RESPUBLIKASI - REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Passport

JSR SHIR

3050394419009

Passport seriyasi

Passport raqami

Nation

Shaxsiy passport ma'lumotlaringizni kirititing


Qanʼiy maʼlumotlarni foydalanishingiz uchun

Биринчи сатрда абитуриент ўзининг идентификация рақамини киритиши керак. Идентификацион рақам паспортнинг пастки қисмida жойлашган ва 14 та рақамдан иборат.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN	
PASPORT	PASSPORT
	TYPE / TYPE
P	VALID FROM / COUNTRY CODE
	UZB
PASPORT SAKINI / PASSPORT NO.	
<b>AA 0000001</b>	
FAMILY NAME / SURNAME <b>XXX</b>	
BIRN / GIVEN NAMES <b>XXXX</b>	
FIQAROLIGI / NATIONALITY <b>UZBEKISTAN</b>	
TOS'LIGA SANSAH / DATE OF BIRTH <b>01 01 1980</b>	
JINIS / SEX / JENIS SAN JENI / PLACE OF BIRTH <b>M TASHKENT</b>	
MENG'DAN SANASI / DATE OF ISSUE <b>03 08 2012</b>	
MENG'DAN SANASI / DATE OF EXPIRY <b>12 08 2022</b>	
PERSONALIZACIYON DIREKSIYA / AUTHORITY <b>STATE PERSONALIZATION CENTRE</b>	



Кейинги қаторларда паспорт серияси, паспорт рақами ва абитуриент миллати киритилади. “Шахсий маълумотларимдан фойдаланишга розиман” бўлимини тасдиқлаб, “Сақлаш” тугмасини босиш керак.



Кейинги босқичда абитуриент тугатган таълим муассасаси хақидаги маълумотларни тўлдиради: муассаса тури, давлат, вилоят, туман, муассаса номи, таълим муассасасини тугатган йили, хужжат серияси ва рақами.

Агар абитуриент имтиёзга эга бўлса, шахсий маълумотларни киритиб бўлгач, бош сахифада жойлашган “Имтиёзлар – 2020” бўлимида ўз имтиёзлари хақидаги маълумотларни киритиши мумкин.

Имтиёзлар бўлимида ногиронлиги бўлган шахслар, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга, кўзи ожизлар, чет тили сертификатига эга абитуриентлар ўз

имтиёзларини киритади. Бошқа турдаги имтиёзлар тегишли идоралардан олинган маълумотлар асосида тўлдирилади.

#### **4. ОТМГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВ УНДИРИЛАДИМИ?**

Қуйидаги шахслардан **тўлов ундирилмайди**:

- ✓ жорий йил битирувчиларидан, яъни хужжат топшираётган йилда умумий мактаб ёки ўрта маҳсус билим юртини тамомлаганлардан;
- ✓ ногирон шахслардан;
- ✓ тўлиқ давлат таъминотидаги шахслардан.

Қолган абитуриентлардан энг кам ойлик иш ҳақининг **50 фоизи** (111.500 сўм) микдорида тўлов ундирилади.

#### **5. ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ҚўМОНДОНЛИГИ ТАВСИЯНОМАЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ЧЕКЛАНГАНМИ?**

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан ҳамда муддатли ҳарбий хизматни тугатган давридан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади (олий таълим муассасасига талабаликка кабул қилингани тўғрисидаги расмий буйруқ бўлса, имтиёздан такроран фойдаланиш мумкин эмас).

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мавжуд бўлганда, олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриентнинг хужжатларини рўйхатдан ўтказиши рад этишга ҳақли эмас.

Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатлар тугагандан сўнг хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш **катъян ман қилинади**.

Абитуриент томонидан тақдим этилган (топширилган) хужжатларнинг **калбакилиги аниқланса**, у ҳолда аби-

**туриент кириш имтиҳонларидан** (талабаликка қабул қилинган бўлса, олий таълим муассасаси талабалари сафидан) **четлаштирилади** ҳамда бу ҳақида белгиланган тартибда хуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинади.

## **6. БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА НЕЧТА ОТМГА КИРИШ УЧУН ИМТИҲОН ТОПШИРИШ МУМКИН?**

Абитуриентларга олий таълим муассасаларининг **5 тагача бакалавриат таълим йўналишида танловда иштирок этиш хукуки берилади**. Кириш тест синовлари июль-август ойларида ўтказилади.

**Йўналиш танлаш қўйидагича амалга оширилади:**

1. Таълим шаклини танлаш: кундузги, сиртқи ёки кечки.
2. Таълим тилини танлаш: ўзбекча, русча, қорақалпокча.
3. Тест топшириш графикасини танлаш: лотинча ёки кириллча.
4. Биринчи танлаган ОТМ ва йўналишга қараб мос бўлган яна тўртта ОТМ ва уларнинг йўналишини танлаш имкони берилади.
5. Тест топшириш ҳудуди: абитуриент тест топшириш учун ўзига қулай бўлган вилоятни танлайди.
6. “Сақлаш” тугмаси босилади.

Кейин рўйхатдан ўтиш пайтида кўрсатилган телефон рақамига маҳсус СМС-код келади ва уни қўйидаги бўлимга киритиш керак:

- Bosh sahifa
- Ozel 2020
- Mihaly matematika
- Savol-javob
- Yordam

04:56

Birzha, tarih, urush  
...  
Rahbar, xalqarolsuz, taymud  
...  
...

Hil

6 OTM 2020



Шундан сүнг абитуриент қайд варакаси шаклланади.

Имтиҳон натижалари тест жараёни түлиқ якунланғандан кейин бир ҳафтада **Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида** эълон килинади.

## 7. ОТМГА ЎҚИШГА КИРГАН АБИТУРИЕНТЛАР ҚАЧОНДАН КОНТРАКТ ПУЛЛАРИНИ ТҮЛАШНИ БОШЛАШИ МУМКИН?

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тұлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш түғрисида қарор қабул қилинғандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар үртасыда белгиланған тартибда **контрактлар расмийлаштирилади**.

Давлат комиссияси томонидан тұлов-контракт асосида үқишиңде тавсия этилген абитуриентлар учун тұлов **хар үили контракт шартларида** күрсатылған муддатларда амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларининг таклифига мувофик, уларнинг имкониятлари, танлов ва түпленған баллар

**микдоридан келиб чиқиб, Давлат комиссияси қарори асосида абитуриентлар тұлов-контракт бүйича белгиланған **квотадан ташқари құшимча рawiшда** үқишиң қабул қилиниши (кейинги үринларда құшимча қабул деб аталади) **мумкин.****

Құшимча қабулни амалға ошириш тақлифлари олий таълим муассасалари томонидан бүйисунуви бүйича вазирлик ва идоралар билан келишилған ҳолда **15 октябрға қадар** **Давлат комиссиясига киритилади.**

Давлат комиссияси олий таълим муассасаларининг имконияти, танлов ва түпланған баллар микдоридан келиб чиқиб, оширилған тұлов-контракт шарти билан абитуриентларни құшимча қабул қилиш күрсаткичлари юзасидан **20 октябрға қадар** қарор қабул қилади.

### **Бунда:**

– баллар кетма-кетлиги бүйича рүйхатдаги олдинги абитуриент құшимча тұлов-контракт асосида үқишиң аризаси билан рад этган ҳолда ёки кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижалари эълон қилинған кундан бошлаб бир ой муддатда, ариза бермаганда, рүйхатдаги кейинги абитуриент құшимча тұлов-контракт асосида үқишиң тавсия этилади;

– құшимча тұлов-контракт асосида үқишиң қабул қилиш олий таълим муассасасининг бүйисунуви бүйича вазирлик ва идоралар билан келишилған ҳолдаги тақлифларига (қабул күрсаткичлари бүйича) биноан, Давлат комиссияси қарори асосида олий таълим муассасаларининг имконияти инобаттаға олиниб амалға оширилади.

Олий таълим муассасалари құшимча қабулни Давлат комиссияси қарори билан белгиланған күрсаткичларга мувофиқ түплаган баллари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал балдан кам бўлмаган ва асосий қабул чегараларига **4 балгача етмаган абитуриентлар**

**орасидан баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган холда амалга оширади.**

Оширилган түлов-контракт микдори амалда ўрнатилган түлов-контракт микдорига нисбатан куйидаги микдорларда белгиланади:

**Эътибор беринг!**

Түплаган баллари тасдиқланган түлов-контракт бўйича қабул квоталари чегарасига:

бир балгача етмаган абитуриентлар учун – 1,5 баробар;

1,1 балдан 2 балгача етмаганлар учун – 2,0 баробар;

2,1 балдан 3 балгача етмаганлар учун – 2,5 баробар;

3,1 балдан 4 балгача етмаганлар учун – 3,0 баробар.

Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу микдорлар бўйича түлов-контракт шартлари биринчи ўкув йили учун тўлиқ бажарилгандан сўнг абитуриент олий таълим муассасаси ректорининг буйруги билан ўқишга қабул қилинади.

**8. ИМТИХОН НАТИЖАЛАРИГА КЎРА З5 БАЛЛ  
ТҮПЛАДИМ. УШБУ ҲОЛАТДА ОШИРИЛГАН  
МИКДОРЛАРДА КОНТРАКТ ТУЛАБ ЎҚИШГА  
КИРИШИМ МУМКИНМИ?**

Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра, Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал балдан кам балл түплаган абитуриентларга биринчи ўкув йилига амалдаги оширилган түлов-контрактнинг таълим йўналиши бўйича белгиланган энг юқори микдорининг **2 баробарига тенг тўловни** амалга ошириш шарти билан ўқишга кириш хукуки берилади.

Тест синовлари натижаси бүйича етарли балл түпламаган ва оширилган түлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган барчаabituriyentlar учун оширилган түлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилади. Бундаabituriyent тест топширган фанлар мажмуасининг (фанларнинг блокдаги ўрни) мослиги билан биргаликда унинг доимий яшаш жойи ёки хужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган худуд мезон этиб белгиланади.

Оширилган түлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирганabituriyent Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда түлов-контракт шартларини биринчи ўкув йили учун тўлиқ бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ўқишига қабул қилинади.

Республика олий таълим муассасаларига қўшимча қабул қилинган талабалар биринчи ўкув йилини тугатгандан сўнг кейинги ўкув йилидан бошлаб амалда ўрнатилган базавий түлов-контракт миқдори асосида ўқишини давом эттиради.

## **9. ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОТМГА КИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ДАВЛАТ ГРАНТИГА КВОТА МАВЖУДМИ?**

Президент қарори билан 2020-2021 ўкув йили қабулидан бошлаб:

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул қўрсаткичларига нисбатан қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул қўрсаткичлари ажратилади.

Тавсияномалар қўйидаги мезонлардан бири асосида берилади:

- кам таъминланган оиладан чиқсан хотин-қизлар;

- тұлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;
- 14 ёшгача бұлған икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл (эркак)ларнинг қизлари;
- шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар;
- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлған ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар;
- ногиронлиги бўлған фарзанди бор оилалардан чиқкан хотин-қизлар;
- олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўргача кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ маротаба паст бўлған туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлған ҳудудларда яшовчи оилалардаги қиз фарзандлар (уларнинг ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шарти билан).

Ҳар йили февраль ойида хотин-қизларга тавсияномалар бериш бўйича ишчи гурухи тузилади. Туман (шахар) маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлимлари тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган хотин-қизларнинг ҳужжатларини ҳар йили 10 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бошқармаларига тақдим этади.

Ишчи гуруҳ томонидан саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхати ҳар йили 15 июня қадар Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Тавсиянома олий маълумот олиш истагида бўлған хотин-қизларга 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслар тўплами. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2019. – 960 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 13.12.2017., 06/17/5278/0404-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017., – № 1, – 11-модда, – № 35, – 923-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 528-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №30, – 732-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 марта даги “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 244-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 31.03.2018., 09/18/244/0959-сон.
7. “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2020., 09/17/810/0095-сон.

**МУСАЕВ БЕКЗОД ТУРСУНБОЕВИЧ  
АРТИКОВ ДИЛМУРОД РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ**

**ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

*Масъул мухаррир: X. Салоева*

*Мухаррир: Ф. Муҳаммадиева*

*Техник мухаррир: У. Санаев*

*Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражсанов*

Босишга руҳсат этилди: 16.06.2021.  
Ҳажми: 2.2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 26.

Тошкент давлат юридик университети  
Типография бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шахри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-үй

